

Тўрт ёқимсиз нарсадан паноҳ сўраш



07:18 / 18 январь 1656

دُوعَتِي مَلَسَوْهُ وَيَلَعُجُلَلِ اِيْلَصِدْ هَلَلِ اَلْاُقُؤْنَعُ هَلَلِ اِيضَرَ رَؤِيْرُهُ يَبْأَنْع
نَاخِي شَلْا هَاوْرَ اِدْعَالِ اَتَامَشَوْ اِعْضَقْلِلْ اِؤَسَوْ اِعْاَقْ شَلْا كَرَدَوْ اِعْلَبْلِلْ اِدُّجْ نَم
يِئْاَسْنَلْ اَو

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам балонинг шиддатидан, бадбахтлик етишидан, қазонинг ёмонлигидан ва душманларнинг ичиқоралигидан паноҳ сўрар эдилар».

Икки шайх ва Насий ривоят қилганлар.

Ушбу ривоятда тўрт ёқимсиз нарсадан паноҳ сўраш бор. Бу нарсалардан доимо паноҳ тилаб туриш зарур.

«Балонинг шиддати» деганда инсонга етадиган ҳар бир машаққат кўзда тутилган. Уни кўтаришга одамнинг тоқати етмайди. Уни даф қилишга қудрати бўлмайди.

Баъзи уламолар «Балонинг қаттиқ бўлишидан мурод инсон «Бундан кўра ўлганим яхши» дейдиган даражадаги мусибатдир», деганлар.

«Бадбахтлик етиши»дан мурод саодатга тескари ҳолатнинг пайдо бўлишидир.

Бадбахтлик икки хил – диний ва дунёвийга тақсимланади.

Дунёвий бадбахтлик нафсоний, жисмоний ва хорижий турларга тақсимланади.

Диний бадбахтлик гуноҳ ишларни қилиш ила бўлади.

Дуода уларнинг барчасидан паноҳ тиланади.

«Қазонинг ёмонлиги»дан мурод бандага тақдир қилинган нарсалардан бандани маҳзун қиладиганларидир. Бу нарса умумий бўлиб, у банданинг динида, дунёсида, ўзида, аҳлида, молида ва бошқа нарсаларда бўлиши мумкин.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қазонинг ёмонлигидан паноҳ сўраб дуо қилишларидан бу иш қазои қадарга рози бўлишга хилоф эмаслиги келиб чиқади.

Қазо бандаларга нисбатан икки қисмдан, яъни яхши ва ёмондан иборат бўлади. Биз бандалар уларга иймон келтириш ва рози бўлишга амр қилинганмиз. Бас, бунга амал қилишимиз лозим. Биз бандалар қазонинг ёмонлигидан паноҳ сўрашга амр қилинганмиз. Бас, унга ҳам амал қиламиз. Иймонимиз ҳам, паноҳ сўрашимиз ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмаларига биноандир.

«Душманларнинг ичиқоралиги»дан мурод душманнинг ўз душмани хурсандлигидан хафа ва хафалигидан хурсанд бўлишидир.

Ичиқораликнинг салбий таъсири кучли бўлгани учун одамларда адоватни кучайтириши турган гап. Шунинг учун ундан паноҳ сўралмоқда.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 35-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.